



## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Файзуллаев Дилшод Одилбекович  
Узоқов Отабек Улуғбекович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20270080>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 14-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 16-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 18-may 2026 yil

### KEY WORDS

интернет, гиёҳвандлик  
воситалари, наркожиноят,  
Darknet, Telegram,  
кибержиноятчилик,  
профилактика, закладка,  
криптовалюта.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини қонунга хилоф равишда тарқатиш жиноятларининг замонавий кўринишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш ва фош этиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, жумладан интернетдаги анонимлик, криптовалюталардан фойдаланиш, “закладка” усули, вояга етмаганларни жалб қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги муаммолар кўриб чиқилган. Мақолада мазкур соҳадаги профилактик чора-тадбирларни кучайтириш ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Ҳозирги вақтда ахборот технологияларининг назоратсиз ривожланиши давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда, чунки бу турли соҳаларда жиноятларнинг фаоллашуви билан бирга кечмоқда.

Масалан—интернет тармоғига кировчи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда наркотик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ноқонуний айланмаси соҳасида жиноятлар содир этилишидир (кейинги ўринларда — наркотиклар ноқонуний айланмаси).

Ўзбекистон Stat.uz расмий статистик маълумотларига кўра, 2025-йилда 15 мингдан ортиқ наркожиноят қайд этилган бўлиб, бу 2024-йилдагига қараганда **31.97%** фоизга ошган (12 мингдан ортиқ). Шу билан бирга, наркотик воситаларини контактсиз усулда сотиш ҳолатлари, шунингдек наркотиклар контрабандаси билан боғлиқ жиноятлар сони ҳам ошган.

Сўнгги йилларда наркожиноятчиликнинг интернет оламига кириб келаётганини таъкидлаш керак. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари (жумладан интернет) орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашишда муайян қийинчиликлар ҳам учрамоқда.

Интернет тармоғида ноқонуний хизматларни, жумладан наркотиклар ноқонуний айланмаси соҳасидаги хизматларни тарқатувчи жиноятчилар ушбу хизматларни сотиб

олишга ёки таклифларни қабул қилишга тайёр бўлган кенг доирадаги шахсларни жалб қилишга интиломқда. Хавф шундаки, бундай тоифалардан бири вояга етмаганлардир. Улар, биринчидан, психофизиологик хусусиятлари туфайли катталарнинг салбий таъсирига мойил бўлса, иккинчидан, интернетнинг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади.

Статистик маълумотлар таъдрили, шунингдек ИИО вояга етмаганлар ишлари бўлинмалари ходимлари ва наркотиклар айланмасини назорат қилиш бўлинмалари тезкор ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда интернет орқали вояга етмаганларни наркотиклар ноқонуний айланмасига жалб қилиш ва уларнинг наркобизнеснинг фаол иштирокчиларига айланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Айниқса хавотирли жиҳат шундаки, бундай жиноий фаолиятда иштирок этаётган вояга етмаганлар ўз тенгдошларини ҳам унга жалб қилмоқда. Наркотиклар ноқонуний айланмасида иштирок этувчи ва уни ривожлантиришга интилаётган шахслар ўсмирларни наркобизнесга жалб қилишнинг турли катта маблағ ваъда қилишдан тортиб, шантаж ва таҳдидларгача, ҳатто жисмоний қуч ишлатишгача усулларини қўллаш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, бундай жиноий фаолиятда иштирок этаётган вояга етмаганларни, аввало, “иш берувчи” таклиф қилаётган ўйин шакллари жалб қилади. Ўсмирлар бу фаолиятни саргузашт, ўзига хос “босқичли ўйин” сифатида қабул қилади.

Масалан, ўсмир маълум миқдорда пул тўлаши ёки паспорт маълумотларини бериши ва “ўйин”га кириши керак бўлади. У аниқ ҳаракатларни бажаради: белгиланган жойга бориш, наркотик восита яширилган “закладка”ни олиш, кейин бошқа жойга (телефон будкаси, гараж, девор, ертўла, подъезд ва ҳ.к.) бориб уни қолдириш. Бир кунда бундай “закладка”лар сони 10—15 тагача етиши мумкин.

Ҳар бир бажарилган вазифа учун ўсмир (“закладчик”, “кладмен”) пул олади. Бу “ўйин”да яна бир роль — “мастер-клад” мавжуд бўлиб, у бутун жараённи назорат қилади ва наркотик моддаларни кейинчалик тарқатиш учун “закладчик”ка беради.

Афсуски, вояга етмаган шахс бу “ўйин”ни тўхтатиш истагини билдирганда, унга нисбатан одатда шантаж қўлланилади: унинг паспорт маълумотлари, яшаш жойи ва қариндошлари ҳақида маълумотлар борлиги эслатилиб, жиноий фаолиятни давом эттиришга мажбур қилинади.

Шунингдек, бундай ўсмирлар қўлга олинганда, уларнинг кўпчилиги мазкур жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жавобгарлик назарда тутилганини билмаслиги аниқланади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, антинаркотик профилактика тадбирлари асосан тақиқланган воситаларни истеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, уларни тарқатиш учун жавобгарлик масаласига етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг ёки уларнинг интернет орқали наркотиклар ноқонуний айланмасига жалб қилинишининг асосий сабаблари — енгил пул топиш имконияти, ҳуқуқий онгнинг пастлиги, шунингдек наркобизнес ташкилотчилари томонидан пухта ишлаб чиқилган “рекрутинг” механизми ҳисобланади.

Албатта, интернет ахборот-коммуникация тармоғи маълум даражада наркобизнес тузилмасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Олимлар таъкидлашича, замонавий наркобизнес бир неча йил аввалги тузилмадан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда олимлар ички наркобозорда синтетик наркотиклар устунлик қила бошлаганига эътибор қаратган. Ҳозирги вақтда шундай жиноий схема ривожланмоқдаки, унда наркобизнес ташкилотчилари синтетик наркотиклар ишлаб чиқариш бўйича лабораториялар очмоқда.

Расмий статистикага кўра, 2025-йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қарийб 15 та яширин нарколаборатория фош қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми айнан синтетик гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Натижада, ўсимликдан тайёрланадиган наркотиклар ўрнини юқори даражада заҳарли синтетик наркотиклар эгаллаётганини қайд этиш мумкин.

Шу тариқа, ёшлар муҳотида ҳам психик ҳолат учун оғир оқибатларга олиб келувчи наркотиклар — мефедрон (“туз” ҳосилалари), метилон, метиленидиоксипировалерон, уларнинг аналоглари ва ҳосилалари, чекувчи аралашмалар, “спайс” ва бошқалар оммалашмоқда.

Синтетик наркотиклар ўсимликдан тайёрланадиган наркотиклардан тайёрланиши ва истеъмол қилиниши осонлиги, арзонлиги ва оммабплиги билан фарқ қилади. Уларнинг хавфи шундаки, уларга ўрганиб қолиш тезроқ юз беради, психика учун оқибатлари эса деярли тикланмайдиган даражада бўлади.

Шу билан бирга, кучли психотроп таъсирга эга тиббий препаратлар, жумладан дорихоналар орқали сотиладиган воситалар ҳам кенг тарқалмоқда. Бу эса уларни истеъмол қилувчиларда наркологик ва психиатрия ташхислари пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида интернет инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жамият тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиши билан бир қаторда, турли жиноят турларининг янги шаклларда содир этилишига ҳам замин яратмоқда. Айниқса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг интернет орқали тарқатилиши бугунги кунда энг хавfli жиноят турларидан бирига айланмоқда.

Интернет орқали наркотик воситалар савдосининг асосий хавфи шундаки, жиноятчилар ўз фаолиятини юқори даражада махфийлик ва анонимлик асосида амалга оширмоқда. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш жараёнини мураккаблаштирмоқда.

Сўнгги йилларда Telegram, Darknet, VPN, криптовалюта ва электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириладиган наркосавдо ҳолатлари кескин кўпайди. Бундай жиноятларда вояга етмаганларнинг иштирок этиши эса муаммони янада долзарблаштирмоқда.

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларини тарқатишнинг анъанавий усуллари ўрнини интернет орқали амалга ошириладиган электрон савдо шакллари эгалламоқда. Жиноятчилар асосан қуйидаги усуллардан фойдаланмоқда:

- Telegram каналлари ва ботлари;
- Darknet интернет тармоқлари;
- ижтимоий тармоқлар;

- электрон тўлов тизимлари;
- криптовалюталар;
- “закладка” усули;
- VPN ва прокси серверлар.

Айниқса, “закладка” усули жиноятчиларга сотувчи ва харидор ўртасида тўғридан-тўғри алоқа қилмасдан туриб наркотик воситаларни тарқатиш имконини беради. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун далил тўплаш жараёнини қийинлаштиради.

Шунингдек, интернет тармоғида наркотик воситалар рекламаси яширин шаклларда тарқатилмоқда. Деворларга ёзилган манзиллар, QR-кодлар, шифрланган хабарлар ва ёпиқ гуруҳлар орқали ёшлар наркобизнесга жалб этилмоқда.

Наркожиноятларни олдини олиш ва фош этишга салбий таъсир қилувчи омиллар: 1.Интернетдаги анонимлик.Интернет орқали содир этиладиган жиноятларнинг асосий хусусияти — юқори даражадаги анонимликдир. Жиноятчилар TOR браузер, VPN хизмати ва прокси серверлар орқали ўз шахсини яширади. Бу эса уларнинг ҳақиқий IP-манзили ва жойлашувини аниқлашни қийинлаштиради.2.Darknet ва шифрланган платформалар. Darknet яширин интернет тармоғи ҳисобланиб, унда наркотик воситалар савдоси кенг тарқалган. Бундай платформаларда маълумотлар кўп марта шифрланади ва фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш деярли имконсиз бўлади. Telegram мессенжеридаги ёпиқ каналлар ва ботлар ҳам наркосавдонинг асосий воситаларидан бирига айланган.3. Криптовалюталардан фойдаланиш.Биткоин ва бошқа криптовалюталар орқали амалга оширилаётган молиявий операциялар назоратни мураккаблаштиради. Чунки криптовалюта операциялари кўп ҳолларда аноним тарзда амалга оширилади.4. Вояга етмаганларни жалб қилиш.Жиноятчилар интернет орқали ёшларни “осон пул топиш”, “курьерлик”, “логистика хизмати” каби сохта иш таклифлари билан жалб қилмоқда. Вояга етмаганлар ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги ва тез пул топиш истаги туфайли бундай таклифларга ишониб қолмоқда.

5. Трансмиллий жиноятчилик. Интернет орқали наркотик савдоси кўп ҳолларда халқаро хусусиятга эга бўлади. Серверлар бир давлатда, жиноятчилар бошқа давлатда, харидорлар эса учинчи давлатда бўлиши мумкин. Бу ҳолат халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

6. Қонунчиликдаги бўшлиқлар. Айрим ҳолларда интернет орқали наркотик воситалар тарқатилишига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий механизмлар етарли даражада такомиллашмаган. Янги технологиялар жуда тез ривожланаётгани сабабли қонунчилик улардан ортда қолмоқда.

7. Техник имкониятларнинг чекланганлиги. Кибержиноятларга қарши курашиш учун замонавий техник воситалар ва юқори малакали мутахассислар талаб этилади. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда бундай имкониятлар етарли эмас.

8. Далилларни тез йўқ қилиш имконияти. Интернетдаги маълумотларни қисқа вақт ичида ўчириш, аккаунтларни ёпиш ёки каналларни алмаштириш мумкин. Бу ҳолат электрон далилларни сақлаб қолиш ва жиноятни исботлашни қийинлаштиради.

Наркожиноятларнинг жамиятга таъсири. Интернет орқали наркотик воситалар тарқатилиши жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида наркотик моддалар истеъмолнинг ортиши қуйидаги салбий оқибатларга олиб келмоқда:

- соғлиқнинг ёмонлашиши;
- руҳий касалликлар;
- жиноятчиликнинг ўсиши;
- оилалар парокандалиги;
- ижтимоий муҳитнинг бузилиши;
- меҳнат қобилиятининг пасайиши.

Наркотик воситаларнинг интернет орқали осон тарқатилиши натижасида гиёҳвандлик ёши ҳам пасаймоқда. Бугунги кунда ҳатто мактаб ёшидаги ўсмирлар ҳам наркожиноятларга жалб қилинмоқда.

Наркожиноятларнинг олдини олиш чоралари. Интернет орқали наркотик воситалар тарқатилишига қарши самарали курашиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Қонунчиликни такомиллаштириш: Интернет орқали наркотик воситалар тарқатиш учун жавобгарликни кучайтириш ва кибержиноятларга қарши махсус ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарур.

2. Киберхавфсизликни кучайтириш: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш ва махсус кибербўлинмалар фаолиятини ривожлантириш талаб этилади.

3. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш: Трансмиллий наркожиноятларга қарши курашиш учун давлатлар ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

4. Ёшлар ўртасида профилактика ишларини кучайтириш: Мактаблар, олий таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали наркотик воситаларнинг зарари ва жиноий жавобгарлик ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

5. Интернет мониторингини кучайтириш: Наркотик воситаларни тарғиб қилувчи сайтлар, Telegram каналлари ва интернет платформаларини доимий мониторинг қилиш ва блоклаш чораларини кучайтириш зарур.

**Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, интернет тармоғидан фойдаланиб гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда тарқатиш жиноятлари бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Интернет технологияларининг жадал ривожланиши жиноятчиларга ўз фаолиятини яширин ва самарали ташкил қилиш имконини бермоқда. Ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш ва фош этиш жараёнига интернетдаги анонимлик, криптовалюталар, Darknet, вояга етмаганларни жалб қилиш, техник имкониятларнинг етарли эмаслиги каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли мазкур соҳада ҳуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни кучайтириш, ёшлар ўртасида профилактика ишларини кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Фақат давлат органлари, таълим муассасалари, ота-оналар ва жамиятнинг биргаликдаги ҳаракати орқали интернет орқали тарқатилаётган наркотикиноятларга қарши самарали курашиш мумкин

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 19.08.1999 йилдаги 813-1-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 01.04.1995
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28.04.2017 йилдаги 12-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2012 йилдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон қонуни.
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисидаги 2015-йил 12-ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 27.10.2018 йилдаги 878-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси томонидан гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида статистик маълумотлар. <https://stat.uz/uz/> (Электрон маълумот мурожаат санаси: 22.04.2026)
7. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси. –Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. -Б. 14-15

8. Интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасини аниқлаш  
ва фoш этиш. Кунградбаева Гумисай Утеген қизи  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15150365>. 5.04.2025



INNOVATIVE  
ACADEMY